

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD 03/27.02.2021. Tar.70.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАХМУДОВ МАНСУРЖОН АБДУҒОППОРОВИЧ**

**XX АСРНИНГ 20–30-ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА  
МАДАНИЙ МЕРОС МАСАЛАЛАРИ  
(давр матбуоти материаллари асосида)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қарши – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Махмудов Мансуржон Абдугоппорович**

XX асрнинг 20–30-йиллари Ўзбекистонда маданий мерос масалалари  
(давр матбуоти материаллари асосида)..... 5

**Махмудов Мансуржон Абдугоппорович**

Вопросы культурного наследия в Узбекистане в 20–30-е годы XX века  
(по материалам периодической печати)..... 27

**Makhmudov Mansurjon Abdugopporovich**

Issues of cultural heritage in Uzbekistan in the 20–30s of the XX century  
(by the materials of the periodical press)..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 55

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD 03/27.02.2021. Tar.70.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАХМУДОВ МАНСУРЖОН АБДУҒОППОРОВИЧ**

**XX АСРНИНГ 20–30-ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА  
МАДАНИЙ МЕРОС МАСАЛАЛАРИ  
(давр матбуоти материаллари асосида)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қарши – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В.2018.4.PhD/Tag.396. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетинда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.qarshidu.uz](http://www.qarshidu.uz)) ҳамда "ZiyoNET" ахборот-таълим портали ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

Мустафаева Нодира Абдуллаевна  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор

**Расмий оппонентлар:**

Эргашева Юлдуз Алимовна  
тарих фанлари доктори, профессор

Хушвақов Наби Олимович  
тарих фанлари номзоди

**Ўтақчи ташкилот:**

Фарғона давлат университети

Диссертация химоҳси Қарши давлат университети ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD 03/27.02.2021. Tag.70.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "15" 06 куни соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0 375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz). Қарши давлат университети.

Диссертация билан Қарши давлат университети Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин (22 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0 375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил "14" 06 куни тарқатилди (2022 йил "14" 06 даги 18 рақамли ресстр баённомаси).



Б.Ж.Эитов  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси,  
т.ф.д., профессор

Н.Н.Ҳажабова  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий  
котиби, т.ф.н., доц.

Ю.А.Эргашева  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қўшмадаги  
илмий семинар раиси,  
т.ф.д., проф.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон ҳамжамиятида рўй бераётган туб ўзгаришлар жараёнида муносиб ўринни эгаллаш учун миллий давлатчилик тарихини ўрганиш ва истиқболли тараққиёт стратегияларини белгилашни тақозо этмоқда. Шунингдек, интеграцион жараёнлар ва халқаро ҳамкорлик алоқалари кишилар тафаккурида ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда жамият маънавияти ва уни ҳаракатлантирувчи асосий кучларидан бири ҳисобланган маданий меросни ўзлаштириш жараёнларини объектив ҳамда тўлақонли ёритиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада даврий матбуотнинг ўрни алоҳида бўлиб, ижтимоий онгининг таъсирчан воситаларидан бири сифатида у жамоатчилик фикрини шакллантиради, омма онгига муайян қарашларни сингдиришда доимий ва фаол иштирок этади. Даврий матбуотда чоп этиладиган танқидий-таҳлилий материаллар ўша замоннинг мавжуд муаммоларини жамоатчиликка етказиш баробарида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш йўлларини ҳал этиш учун замин яратади.

Жаҳондаги йирик илмий-тадқиқот марказлари ҳамда олий таълим муассасаларида совет мустабид тузумининг Ўзбекистон ва Иттифоқ таркибидаги бошқа миллий республикаларда олиб борган “маданий инқилоб” сиёсатининг моҳияти ва унинг натижалари кенг ўрганилмоқда. Хусусан, XX асрнинг 20–30 йилларида амалга оширилган сиёсат таъсирида маданий меросга муносабат, Ўзбекистон аҳолисининг миллий анъаналари ва турмуш тарзига зид бўлган ўзгаришларнинг оқибатлари каби масалалар тадқиқ этилмоқда. Чунончи, мазкур жараёнда ушбу муаммоларни расмий ҳужжатлар билан бир қаторда матбуот материаллари орқали ўрганиш ҳам долзарб вазифалардан бири саналади.

Мустақиллик йилларида халққа унинг маънавий ва маданий бойликларини қайтариш борасида кўплаб ишлар қилинмоқда. Миллий анъаналарни қайта тиклаш, тарихий-маданий меросни сақлаш ва тарихни чуқур ўрганиш ҳам илмий, ҳам ижтимоий аҳамиятга молик вазифалардан бирига айланди. Илмий адабиётларда ушбу масалаларга ҳолисона баҳо берилди бошланди. Мазкур йўналишдаги тадқиқотлар кўламининг ортиб бориши миллий маданиятни тиклаш ҳамда моддий ва номоддий мерос объектларини асрашга доир манбавий асоснинг кенгайтишига хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, мазкур муаммони кенг кўламда ёритиб берган XX асрнинг 20–30-йилларида Ўзбекистонда нашр этилган даврий матбуот материалларини илмий жиҳатдан таҳлил этиш, газета ва журналларнинг манбавий аҳамиятини аниқлаш, шу асосда, улардаги маълумотларни илмий муомалага киритиш диссертациянинг долзарблигини белгилаб беради.

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий ва маданий-маънавий ислохотлар миллий кадриятларнинг қайта тикланиши ҳамда тарғиб қилиниши ва ҳар томонлама ривожланишида асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги “Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6199-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “O‘zbekiston tarixi” телеканалини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4390-сонли, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги фаолиятини ташкил этиш ҳамда соҳани инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5150-сонли Қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий, ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” дастурининг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тадқиқот мавзуси маълум маънода ўз аксини топган асарларни урта гуруҳга бўлиб, таснифлаш мақсадга мувофиқ: 1) совет давридаги илмий-амалий изланишлар; 2) мустақиллик йилларида нашр қилинган ишлар; 3) тадқиқ этилаётган муаммонинг хорижий олимлар томонидан ўрганилиши.

Таъкидлаш керакки, тадқиқ этилаётган давр ва мавзуга оид тарихий воқеаларига баҳо беришга хизмат қилувчи совет даври адабиётлари гуруҳи кўп қиррали ёндашувларга эгаллиги билан ажралиб туради. Бироқ, совет тузумининг мустақамланиб бориш жараёни, айниқса, илм-фан соҳасига ягона мезон сифатида марксча-ленинча таълимотнинг қабул қилиниши тарихий воқеаларга берилган баҳоларнинг сохталаштирилишига олиб келди. Шунга қарамай, улар мавзунини ёритишда илмий асос бўлиб хизмат қилади. Совет йилларида Ўзбекистон матбуоти тарихини ўрганиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди<sup>1</sup>. Ушбу асарлар партиявийлик ва синфийлик тамойиллари асосида яратилса-да, Туркистон зиёлиларининг газета-журналлари хусусида қимматли фактик материалларга бойлиги билан аҳамиятлидир.

XX асрнинг 20-йиллар иккинчи ярми – 30-йилларида маданият ёдгорликларни муҳофаза қилиш, уларни ўрганиш иши юзасидан А. А. Миронов, Д. И. Нечкин, И. И. Умняков, Б. Н. Засипкин, Я. Ғ. Ғуломов ва Х. Ахуновларнинг

---

<sup>1</sup> Зиё Саид. Танланган асарлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1974; Симонов Н. Ф. Туркистонда большевистик матбуот (1917–1922 йй.). – Тошкент, 1941; Абдуазизова Н. А. Печать и строительства социализма (на примере журнальной периодике Узбекистана. – Ташкент: Ўзбекистон, 1977. – 127 с.; Эрназаров Т. Туркистонда вақтли матбуот. – Тошкент: ЎзДавнашр, 1959; Ўша муаллиф: История печати Туркестана 1870–1925 гг. (учебное пособие). – Ташкент: Ўқитувчи, 1976.

асарлари муҳим аҳамиятга эга<sup>2</sup>. Шунингдек, Ўзбекистон маданияти тарихини ўрганиш бўйича С. П. Толстов, Т. Н. Қори Ниёзий, М. Қорахонов, А. Хушбеков ва бошқа тадқиқотчилар томонидан бир қатор илмий ҳамда публицистик асарлар яратилди<sup>3</sup>. Аммо, ушбу асарларнинг аксарияти, шу жумладан, Т. Н. Қори Ниёзийнинг тадқиқотларида ўзбек халқининг маданий меросини ўрганиш масалалари, қадимий осори-атиқалар ҳамда ёзма манбаларни ўрганишга етарли даражада эътибор қаратилмади.

Тадқиқотда кўтарилган масалалар бўйича Б. В. Луниннинг илмий изланишларини алоҳида таъкидлаш ўринли<sup>4</sup>. Шу билан бирга, маданий мерос обидаларини асраш ва ўрганиш, маданий ҳамда тарихий ёдгорликларнинг муҳофаза қилиниши, музейлар ва кутубхоналарнинг ташкил этиш жараёнлари, уларнинг ҳуқуқий асослари, мусиқий маданият каби бир қатор масалаларга доир тадқиқотлар амалга оширилди<sup>5</sup>.

Иккинчи гуруҳга мансуб мустақиллик даври адабиётларини бир нечта йўналишларда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Авваламбор, ушбу даврда тараккийпарвар аждодларимизнинг миллий матбуотдаги иштироки, тарихий маданий мерос масалалари ва уларни асраш йўлидаги ёндашувлари таҳлил

---

<sup>2</sup> Миронов А. А. Организационная, научная и практическая деятельность Средазкомстариса (бывш. Турккомстариса) за пятилетие его существования // Известия Средазкомстариса. – Ташкент, 1926. – Вып. I. – С. 18–42. Умянков И. И. Охрана памятников страны и искусства в советском Законодательстве Средней Азии // Известия Средазкомстариса. – Ташкент, 1926. – Вып. I. – С. 45–54; Ўша муаллиф: Архитектурные памятники Средней Азии: Исследование. Ремонт. Реставрация. 1920–1928 гг. – Ташкент, 1929; Засыпкин Б. Н. Архитектура Средней Азии. – М., 1948; Фуломов Я. Ф. Ўзбекистонда моддий-маданий асарларни сақлаш ва ўрганиш йўлида. – Тошкент, 1934; Ахунов Х. Узбекистанский Комитет по охране и изучению памятников материальной культуры (Узкомстарис): Отчет о деятельности за 1935 год. – Ташкент: Комитет наук УзССР, 1936.

<sup>3</sup> Толстов С. П. Древняя культура Узбекистана. – Ташкент, 1943; Кары Ниязий Т. Н. Социалистическая культура Узбекского народа. – Ташкент, 1949; Ўша муаллиф: Очерки истории культуры и науки Советского Узбекистана: 1917–1953. – Ташкент, 1967; Ўша муаллиф: Ўзбек халқининг маданий мероси ҳақида. – Тошкент, 1960; Ўша муаллиф: Ўзбекистон ССР моддий маданият ёдгорликларини сақлаш ва ўрганиш. – Тошкент: Фан, 1971. – 74 б.; Қорахонов М. Совет Ўзбекистони маданияти. – Тошкент, 1957; Хушбеков А. Из истории культурного строительства в Узбекистане в годы первой пятилетки. – Самарканд, 1959.

<sup>4</sup> Лунин Б. В. Из истории русского востоковедения и археологии в Туркестане. – Ташкент, 1957; Ўша муаллиф: Научное общество Туркестана и их прогрессивная деятельность (конец XIX – начало XX вв.). – Ташкент, 1962; Ўша муаллиф: Из истории первого высшего востоковедческого учебного заведения в Средней Азии / Очерки по истории русского востоковедения. – Москва, 1963; Ўша муаллиф: Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. – Ташкент: Наука, 1965; Ўша муаллиф: Средняя Азия в научном наследии отечественного востоковедения. Историографический очерк. – Ташкент, 1979; Ўша муаллиф: Из историй изучения памятников старины и искусства Средней Азии // Общественные науки в Узбекистане. – 1990. – №3.

<sup>5</sup> Рахматуллаев Ю. Р. Из истории охраны и изучения памятников зодчества в Узбекистане: Дисс... канд. истор. наук. – Ташкент, 1963; Садыкова Н. С. История становления и развития музейного дела в Советском Узбекистане (1917–1973 гг.): Дисс... докт. истор. наук. – Ташкент, 1975; Садыкова Н. С., Буряков Ю. Ф. Тарихий ёдгорликлар хазинаси. – Тошкент: Фан, 1976; Маньковская Л. Ю. Исследование архитектурного комплекса мавзолея Ахмеда Ясеви в городе Туркистане и вопрос его реставрации: Дисс... канд. искусс. наук. – Ташкент, 1963; Аббасов А. В. Л. Вяткин: историк-источниковед и историк-археолог Узбекистана: Дисс... канд. истор. наук. – Самарканд, 1969; Немцева Н. В. Шахи-Зинда. К истории анаболя и исторической типографии юга Самарканда (Археологические исследования 1959–1969). Автореф. дисс... канд. истор. наук. – Ташкент, 1972; Сейтова Р. Становление и развитие законодательства об охране памятников истории и культуры в Узбекистане 1917–1990. Дисс... канд. юрид. наук. – Ташкент, 1990; Ўша муаллиф: История узбекской советской музыки. Том 1. – Ташкент, 1972; Ўша муаллиф: Ўзбек мусиқаси тарихи – Тошкент, 1981; Ўша муаллиф: Музыкальная культура Узбекской ССР. – Москва: Наука, 1981; Ўша муаллиф: Фольклорные истоки узбекского профессионального музыкального творчества. – Ташкент, 1984; Йўлдошев С. Ўзбекистонда мусиқа тарбияси ва таълимнинг ривожланиши. – Тошкент, 1985.

этиш, илмий жамоатчиликка маълум қилиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди<sup>6</sup>. Хусусан, 20–30-йилларда маданий мерос масалалари моҳиятини очиб беришда филолог олимларнинг тадқиқотлари ҳам диққатга сазовордир<sup>7</sup>.

Мустақиллик йиллари тарихшуносликнинг янги замон талабларига мувофиқ такомиллашиб бориши муносабати билан тадқиқотларда илмий адабиётлар билан бир қаторда бирламчи манбалар, матбуот материаллари, архив ҳужжатлари ҳам тарихшунослик таҳлиliga тортилди. Жумладан, Н. Мустафаева ва С. Шадманованинг тадқиқотларида Туркистон миллий матбуотининг умумий хусусиятлари, матбуотда таълим, фан ҳамда маданият соҳалари чуқур таҳлил этилди<sup>8</sup>. Совет ҳокимиятининг дастлабки даврдаги сиёсатини ёритишда матбуотнинг роли масалалари А. Мингноров ва Н. Ҳамаевнинг илмий ишларида ёритиб берилди<sup>9</sup>.

Б. Ҳасанов ва З. Ишанходжаеванинг тадқиқотларида эса совет қатағон сиёсатининг Ўзбекистон маданий ҳаётига таъсири архив манбалари ва янгича ёндашувлар асосида очиб берилди<sup>10</sup>. Д. Алимованинг бир қатор тадқиқотларида XX асрда тарихий тафаккур ривожини, жадиличлик ҳаракатининг маданий-маърифий ва сиёсий моҳияти, Ўзбекистон маданияти тарихидаги мафкуравий тенденциялар, исломга муносабатнинг ўрганилиши ёритиб берилган<sup>11</sup>. Д. Алимова ва Н. Мустафаевалар совет даврида тарихий-маданий меросга муносабат масалаларини таҳлил қилдилар<sup>12</sup>.

<sup>6</sup> Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. – Тошкент: Ёзувчи, 1994; Каримов Н. Истиклолни уйғотган шоир. – Тошкент: Маънавият, 2000; Қосимов Б. Миллий уйғониш. – Тошкент: Маънавият, 2002; Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 5 жилд. – Тошкент, 2000; Боту. Танланган асарлар. – Тошкент, 2004; Қосимов Б. ва бошқ. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Маънавият, 2004.

<sup>7</sup> Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси: Филол. фан. доктори ... дисс. – Тошкент, 1996; Ҳасаний М., Усмонов И. Ойдин кунлар армони. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997; Мўминова Н. А. Абдурахмон Саъдийнинг адабиётшунослик мероси: Филол. фан. номз ... дисс. – Тошкент, 2002; Мирзаев Т. Ҳоди Зариф суҳбатлари. – Тошкент, 2003; Тоғаев Т. М. Ашурали Зоҳирий ва унинг тилшунослик мероси: Филол. фан. номз ... дисс. – Тошкент, 2005; Тожибоева М.А. Жадид адиблари ижодида мумтоз адабиёт намуналари: Филол. фан. доктори (DSc) ... дисс. – Тошкент, 2017; Амонов У.С. XX аср бошларида ўзбек фольклорининг ўрганилиш тарихи (Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов ва Элбек фаолияти мисолида): Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2018.

<sup>8</sup> Мустафаева Н. А. XX асрнинг 20–30-йилларида Ўзбекистон маданиятининг асосий йўналишлари ва муаммолари давр тарихшунослигида: Тарих фан. номз ... дисс. – Тошкент, 1999; Ўша муаллиф: XX асрда Ўзбекистонда маданият ва тафаккур. Тарихшунослик таҳлили. – Тошкент: Наврўз, 2014; Шадманова С. Б. Даврий матбуотда Туркистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий аҳволи масалалари (1870–1917 йй.): Тарих фан. доктори ... дисс. – Тошкент, 2011.

<sup>9</sup> Мингноров А. Т. Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракати масалалари давр миллий матбуотида (1917 йил февраль – 1918 йил ўрталарида): Тарих фан. номз ... дисс. – Тошкент, 2000; Ҳамаев Н. Ўзбекистон ҳудудида истиқлол учун курашнинг ҳаракат ва унга қарши курашнинг матбуот саҳифаларида тарғиб этилиши (1918–1934 йиллар): Тарих фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2020.

<sup>10</sup> Ҳасанов Б. В. Национальная интеллигенция Узбекистана и исторические процессы 1917 – начала 50-х годов: Дисс...докт. истор. наук. – Ташкент, 2000; Ишанходжаева З. Р. Репрессивная политика советской власти и ее воздействие на культурную жизнь Узбекистана (1925–1950 гг.). Дисс... докт. ист. наук. – Ташкент, 2012.

<sup>11</sup> Алимова Д. А. Ўзбекистон маданияти тарихшунослигининг асосий йўналишлари / XX асрнинг дастлабки ўттиз йиллигида Ўзбекистонда тарих фани (Тарихшунослик очерклари). 2-қисм. – Тошкент, 1994. – Б. 209–305; Ўша муаллиф: История как история, история как наука. В 2-х томах. 1 том. История и историческое сознание. – Ташкент, 2008.

<sup>12</sup> Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). 2-китоб. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019.

Шунингдек, турли мавзуларда бажарилган илмий ишларда тадқиқотимиз доирасидаги кўплаб масалалар ҳам ўрин олганлигини таъкидлаш зарур<sup>13</sup>.

XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб Марказий Осиё тарихи билан шуғулланувчи хорижий тадқиқотчилар учун маҳаллий манбалар ва архив ҳужжатлари билан ишлаш, маҳаллий тарихчилар билан илмий алоқалар ўрнатиш имкониятлари яратилди. Уларнинг аксарияти Ўзбекистоннинг мустақиллик давридаги маданий ўзгаришларга қизиқиш билан қарамокдалар. Шу билан бирга, Марказий Осиё Республикалари таркибида Ўзбекистоннинг мустамлака ва совет даври маданияти тарихи ҳам ўрганилмоқда. Ушбу мавзуларни тадқиқ қилаётган замонавий тадқиқотчилардан А. Холид, И. Балдауф, Д. Нортроп, М. Камп, Ш. Акинер, Ш. Келлер, В. Фермен, Ш. Хунтер, П. Сартори ва бошқаларни келтириш мумкин<sup>14</sup>. Уларнинг тадқиқотларида Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистоннинг XX аср маданияти тарихи асосан жаҳидчилик ҳаракати, совет ҳукмрон мафқураси ва атеистик сиёсатнинг миллий маданиятларга салбий таъсири масалалари доирасида таҳлил этилган.

---

<sup>13</sup> Ирзаев Б. Ўзбекистонда мусиқа маданиятининг ривожланиши. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015; Ўша муаллиф: Ўзбек мусиқа маданияти тарихи саҳифалари. – Тошкент: Akademnashr, 2017; Мирзаев М. А. Ўзбекистонда тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза этиш ва ўрганиш ишининг ташкил топиши ва ривожланиши (1917–1941 йй): Тарих фан. номз... дисс. – Тошкент, 1994; Альмеев Р. Бухарский музей-заповедник – как фактор культурного и экономического развития региона: Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Москва, 1994; Тиловатов Ф. У. Совет ҳокимиятининг XX аср 20–30-йиллардаги “Маданий инкилоб” сиёсати ва унинг Ўзбекистонда амалга оширилиши: Тарих фан. номз...дисс. – Тошкент, 2004; Исламходжаев Х. С. Государственное управление в области охраны и использования памятников истории и культуры Узбекистана: Дисс ... канд. юрид. наук. – Ташкент, 1998; Абриев Р. Б. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тарихий-меъморий обидаларни таъмирлаш ва қайта тиклаш тарихи (Зарафшон воҳаси мисолида): Тарих фан. бўйича фалсафа доктори (PhD)... дисс. – Тошкент, 2018; Чориев А. Х. Мустабид шўролар тузуми шароитида Ўзбекистон халқ таълими ва ўқитувчи кадрлар тайёрлаш: миллий-анъанавий ва шўро таълим тизимлари ўртасидаги зиддиятлар (20–30 йиллар): Тарих фан. докт... дисс. – Тошкент, 1998; Хамидов Х. История духовной культуры Узбекистана: формирование и проблемы развития (на примере истории узбекского традиционного песенного искусства): Автореф. дисс ... ист. наук. – Ташкент, 2000; Тўраева М. Ўзбекистонда маданий ҳаёт: муаммо ва оқибатлар (1920–1940 йиллар) (Жанубий вилоятлар мисолида): Тарих фан. номз ... дисс. автореф. – Тошкент, 2001; Қозоқов Т. К. XX аср бошларида Фарғона водийсидаги ижтимоий-сиёсий аҳвол ва жаҳидчилик ҳаракати: Тарих фан. номз...дисс. – Тошкент, 2001. Орзиев М. З. XIX асрнинг охири – XX аср биринчи чорагида Бухорода босмаҳона, нашриёт ва матбуот иши: Тарих фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. – Самарқанд, 2020; Юлдашева Д.У. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг моддий-маданий ёдгорликларга бўлган муносабати (1917-1990 йй): Тарих фан. бўйича фалсафа доктори (PhD)... дисс. – Тошкент, 2021; Болтаев А. Ҳ. XX асрнинг 20-80-йиллари Бухорода тарихий ўлкашуносликнинг шаклланиши ва ривожланиши: Тарих фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2021; Тўраев Ҳ. Маҳаллий ўлкашуносларнинг илмий меросида тарихий топография ва меъморий обидалар тарихи. – Бухоро, 2019.

<sup>14</sup> Adeb Khalid. Culture and Power in Colonial Turkestan // Cahiers d'Asie Centrale 17/18 | 2009: Le Turkestan russe: une colonie comme les autres? – P. 413–447; Marianne Kamp. The New Woman in Uzbekistan. Islam, Modernity, and Unveiling Under Communism. University of Washington Press. Seattle & London, 2006; Northrop D. Veiled Empire: Gender and Power in Stalinist Central Asia. – Cornell University Press, 2004; Shoshana Keller. Story, Time, and Dependent Nationhood in the Uzbek History Curriculum. Slavic Review Vol. 66. – №2. (Summer, 2007). – Pp. 257–277; Akiner Sh. Cultural Change and Continuity in Central Asia. Kegan Paul International: England, 1991; William Fierman. Identity, Symbolism, and the Politics of Language in Central Asia. Europe-Asia Studies. Vol. 61. – №7; Ўша муаллиф: Politics of the Spectacular: Symbolism and Power in Central Asia (Sep., 2009). – Pp. 1207–1228; Hunter Sh. Islam in Russia. The politics of identity change and security. – New York: M. E. Sharpe, 2004; Sartori Paolo. Towards a History of the Muslims Soviet Union: A view from Central Asia // Die Welt des Islams. – 2010. – P. 315–334.

Катта тарихий давр мобайнида яратилган адабиётлар таҳлили XX асрнинг 20–30-йилларида маданий меросга муносабатнинг қатор жиҳатлари турли даражада ўрганилганлигини, филолог, тарихчи, археологлар изланишлари ва ҳамкорликлари натижасида бу соҳа ривожиди маълум муваффақиятлар қўлга киритилганлигини намоён қилди. Аммо, таъкидлаш жоизки, ҳозирга қадар 1920–1930 йилларда Ўзбекистон матбуотида маданий мерос масалаларини очиб бериш ва бу билан боғлиқ жараёнлар таҳлиliga бағишланган яхлит тадқиқот иши амалга оширилган эмас.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Наманган давлат университети Тарих кафедрасининг “Ўзбекистоннинг совет тузуми давридаги ижтимоий-сиёсий ва маданий тарихини ўрганиш (1924–1991 йй.)” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** XX асрнинг 20–30-йиллари Ўзбекистонда маданий мерос масалалари билан боғлиқ жараёнлар ва уларнинг давр матбуотида ёритилишини кўрсатиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ўлкада маданий меросни асраш бўйича олиб борилган ташкилий жараёнларни таҳлил этиш;

1918–1924 йилларда Туркистон матбуотида миллий зиёлиларнинг маънавий меросни асрашга бўлган муносабатини кўрсатиб бериш;

XX аср 20-йилларнинг иккинчи ярми – 30-йиллари Ўзбекистон матбуотида миллий зиёлиларнинг тарих ва мумтоз адабиётга, шунингдек, халқ оғзаки ижоди ва миллий санъат масалаларига оид қарашларини таҳлил қилиш;

тадқиқ этилаётган даврда Ўзбекистонда тарихий ёдгорликларни муҳофаза этиш ва ўрганишнинг ташкилий жиҳатларини кўрсатиб бериш;

Ўзбекистонда тарихий-маданий ёдгорликлар ҳолатига миллий зиёлиларнинг ёндашувини аниқлаш;

тадқиқотнинг илмий хулосалари асосида тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида XX асрнинг 20–30-йиллари Ўзбекистонда маданий меросга муносабат ва у билан боғлиқ жараёнлар белгилаб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни маданий меросни асраш масалалари, ташкилий жиҳатлари ва миллий зиёлиларнинг ушбу жараёндаги иштирокини давр матбуотида ёритилиши ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тарихийлик, холислик, қиёсий таҳлил, тизимлаштириш каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Большевиклар ҳукуматининг Туркистон халқларини миллий маданият ва кадриятларидан узоқлаштириш мақсади бўлган бир шароитда маҳаллий зиёлиларнинг маданий меросни, миллий адабиёт, миллий санъат ва халқ оғзаки ижодини сақлаш борасидаги саъи ҳаракатлари, улар томонидан ўрта

аср алломаларининг ижодига мурожаат қилинган илмий тадқиқий асарлари кўплаб чоп этилганлиги, бироқ мафкуравий тазйиқлар оқибатида асар муаллифига “ўтмишни қўмсамоқда”, “ўтмишни идеаллаштирмақда” ёки “халқлар дўстлигини бузиб кўрсатган” айбловлар қўйилганлиги давр матбуоти материаллари орқали асосланган.

Мустабид тузум шароитида халқ ижодиёти, миллий муסיқий меросни илмий тадқиқ ва тарғиб этиш ишлари йўлга қўйилганлиги, бироқ, улардан “синфий моҳият” изланганлиги туфайли ушбу асарлар ҳам давр мафкурасига мос келмайдиган жиҳатлардан тозаланиб, чоп этилганлиги давр манбалари асосида далилланган.

1920–1930 йилларда яратилган тадқиқотларда ўлка тарихи, этнографияси, топографияси ва осори-атиқалари тарихини кенг ўрганилганлиги, улар илмий мерос сифатида тарихий билимлар ривожига хизмат қилганлиги исботланган.

Ўрганилаётган даврда маданий меросни асраш бўйича илмий муассасалар, кутубхоналар, музейлар ташкил этиш, ёдгорликларни рўйхатга олиш, илмий ўрганиш, муҳофаза қилиш ва таъмирлаш борасида дастлабки қадамлар қўйилганлигига қарамай, мутахассис кадрларнинг етишмаслиги сабабли бу ишлар етарли даражада амалга оширилмаганлиги далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилар:

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда маданий меросни асраш бўйича олиб борилган ташкилий жараёнлар, тарихий ёдгорликларни муҳофаза этиш ва ўрганилиши матбуот саҳифаларида берилган талқин ва архив хужжатлари таққосида ёритиб берилган.

Тадқиқотга жалб этилган 1918–1939 йилларга оид Ўзбекистон матбуотида миллий зиёлиларнинг маънавий меросни асрашга бўлган муносабати, тарих ва мумтоз адабиёт, шунингдек, халқ оғзаки ижоди ва миллий санъат масалаларига оид қарашларининг аҳамияти кўрсатиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги** диссертацияда тарих фанида тан олинган назарий ёндашув ва усулларнинг қўлланилганлиги, бевосита Ўзбекистон миллий архиви, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари давлат архив жамланмалари, бирламчи манбалар, 1918–1939 йиллар Ўзбекистон матбуотидаги мақолаларга асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда миллий анъаналарни тиклаш, тарихий-маданий меросни сақлаш бўйича илмий-назарий билимларни чуқурлаштириш, мавзуга оид дарсликлар, ўқув ҳамда услубий қўлланмалар яратишда, олий ўқув юртлари ва малака ошириш курсларида семинарлар ташкил этишда, маданият тарихи йўналишида олиб борилаётган тадқиқотларнинг назарий хулосаларини бойитишда фойдаланиш мумкинлиги билан характерланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, улар ўлка тарихи, моддий ва маънавий мерос намуналарини ўрганиш, музейларда мавзуга оид экспозицияларни янгилашга, давлат дастурларининг бажарилишини таъминлашга хизмат қилади.

### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

XX асрнинг 20–30-йиллари Ўзбекистонда маданий мерос масалалари (давр матбуоти материаллари мисолида) мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлари асосида:

1. Большевиклар ҳукуматининг Туркистон халқларини миллий маданият ва кадриятларидан узоклаштириш мақсади бўлган бир шароитда зиёлиларнинг маданий меросни, миллий адабиёт, миллий санъат ва халқ оғзаки ижодини сақлаш борасидаги саъи ҳаракатларига доир тақдим этилган давр матбуоти материаллари, архив маълумотлари, турли фотосуратлар асосида Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида янги кўргазма ташкил этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 8 апрелдаги 05-12-08-1900-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2995-сонли Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилди.

2. Мустабид тузум шароитида маданий меросни асраш бўйича илмий муассалар, кутубхоналар, музейлар ташкил этиш, шунингдек, ёдгорликларни рўйхатга олиш, илмий ўрганиш, муҳофаза қилиш ва таъмирлаш борасида ижоди ишлар, 1920–1930 йилларда халқ ижодиёти, миллий мусиқий меросини илмий тадқиқ ва тарғиб этиш ишлари йўлга қўйилганлиги, бироқ, буларнинг барча кучли сиқув ва назорат остида олиб борилганлиги тўғрисидаги маълумотлар асосида “O’zbekiston tarixi” телеканалида 2021 йил 10 февралда эфирга узатилган “Мавзу” кўрсатувининг сценарийси тайёрланган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 26 майдаги 01-35-833-сонли маълумотномаси). Натижада томошабинларга маданий меросни ўрганиш, тарихий билимларни ривожлантиришга ҳисса қўшган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари бўйича 13 та илмий-амалий анжуманлар ва конференциялар, шу жумладан, 2 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та (улардан 3 таси республика, 2 таси хорижий журналлари) мақола эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот кириш, учта асосий боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 143 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси қисман ёритилган, ишнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётга жорий қилиниши ва апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“1918–1924 йилларда Туркистон ўлкасида маданий мерос масалаларига оид ёндашувлар”** деб номланган биринчи бобида Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ўлкада маданий меросни асраш бўйича олиб борилган ташкилий жараёнлар ҳамда Туркистон матбуотида миллий зиёлиларнинг маънавий меросни асрашга бўлган муносабатига доир маълумотлар баён қилинган.

Мазкур бобнинг **“Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ўлкада маданий меросни асраш бўйича олиб борилган ташкилий жараёнлар”** деб номланган биринчи параграфида большевикларнинг юритган зўравонлик сиёсати, айниқса, маданий меросга бўлган беписандлик муносабатига қарамай, маърифатпарвар зиёлилар, олимлар тарихий-маданий меросни сақлаш ва ўрганиш ишларида ташаббускор бўлганликлари ҳақида сўз боради. 1917 йилда содир бўлган Октябрь тўнтариши Россия империяси тасарруфида бўлган халқлари ҳаётини ҳам тубдан ўзгариш даврини бошлаб берди. Ушбу воқеалар таъсирида Туркистон ўлкаси таракқийпарвар кучлари ҳам ўз орзу-истакларини амалга ошириш мақсадида амалга оширган ташаббуслари тез орада мустабид совет ҳукумати томонидан назоратга олинди. Янги совет давлати ўзининг дастлабки фаолияти даврида ўтмиш маданиятидан фарқланувчи “Янги маданият”ни яратишни мақсад қилган эди. Тарихчи Н. Мустафаева тўғри таъкидлаганидек, “Пролетар маданияти”нинг моҳияти маданиятга раҳбарлик қилишнинг соф синфийлиги ташкил этди. Миллий-анъанавий маданиятдан воз кечиш, ўтмиш маданий меросини инкор этишни тарғиб қилиб, маданиятга жиддий зарар етказди”<sup>15</sup>.

Ўлкада миллий маданий меросни асраш масалаларида дастлабки илмий муассасалар, олий ўқув юртлари, кутубхоналар ва жамиятлар фаолияти муҳим бўлди. 1918 йилнинг бошларида Туркистон Халқ Маорифи Комиссарлиги қошида очилган дастлабки илмий муассаса – “туркий шўъба” (секция)

<sup>15</sup> Мустафаева Н. А. XX асрда Ўзбекистонда маданият ва тафаккур. Тарихшунослик таҳлили. – Тошкент: Наврўз, 2014. – Б. 133.

фаолияти бу борада самарали ишлар олиб борди. Кейинроқ Туркистон Халқ Маорифи комиссарлигининг янги тузилмасида “Илмий” бўлим таъсис этилади. Ушбу бўлим олий мактаб, архив ишлари, санъат ва тарихий ёдгорликларни қўриқлаш қўмиталарининг иш фаолиятларини назорат остига олиб, бу нарсага кўпроқ аҳамият бера бошлади.

Маданий ва маърифий тараққиётда тарихан катта моддий меросга эга бўлган Ўрта Осиёни тадқиқ этиш ишлари учун шарқшунослик соҳасида илмий муассаса зарур эди. 1918 йилда Туркистон давлат шарқшунослик институти ташкил этилиб, бу ерда Шарқ халқларининг тарихини ўрганиш, маҳаллий миллат вакилларида шарқшунос олимлар тайёрлаш, ўлка тарихи, турмуши ва маданиятини илмий тадқиқ қилиш каби вазифалар амалга оширилган.

Совет ҳукуматининг маданий меросини асраш тадбирлари жумласига археологик ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва ўрганиш ишлар ҳам кирган. Туркистон маданий бойликларини, ёдгорликларини ўрганишда музейлар ҳам муҳим илмий аҳамиятга эга бўлди. 1918 йил 19 апрелда Туркистон Халқ комиссарлари кенгашининг буйруғи билан Тошкентдаги князь Н. К. Романов яшаган уйда Туркистон халқ дорилфуни музейи ташкил этилди<sup>16</sup>. Туркистон халқлари тарихи, тиллари, урф-одатларининг билимдони М. С. Андреев: “Ҳозирда музейнинг элшунослик бўлими томошабинларни чалғитадиган, турли-туман осори-атиқаларнинг унча катта бўлмаган тасодифий уюмидан иборатдир. Экспонатлар таркиби илмий муассасадан кўра, антиқа буюмлар қалашиб ётган омборга ўхшайди”<sup>17</sup>, деб ёзган эди. Чунки музей экспозициялари изчил ўлкашунослик йўналишига эга бўлмай, экспонатларнинг тасодифий йиғилмаси, ҳали аниқ илмий-маърифий йўналиш касб этмаган эди. Шунга қарамай, 1918 йилнинг 15 июнидан 8 сентябргача бўлган вақт ичида музейга 420 нафар аёл ташриф буюрган бўлса, ушбу рақам 1921 йилнинг 8 оyi ичида 3195 нафарни ташкил қилди, яъни қарийб 8 баробарга кўпайди<sup>18</sup>. Мазкур рақамлардан шуни англаш мумкинки, намоиш учун қўйилган моддий-маданий меросга халқимиз бефарқ муносабатда бўлмаган.

1921 йилнинг ўрталаридан бошлаб Туркистонда янги иқтисодий сиёсатнинг жорий қилиниши ва бозорларда савдо-сотикқа кенг йўл очиб берилиши ноёб ёдгорликларни сотишни авж олдирди. Халқнинг маданий бойликлари, ёдгорликларини сақлаб қолиш, асраш учун кескин чоралар қўришни, бу ишни амалга ошира оладиган, ўлкада катта ваколатга эга бўлган масъул ташкилот тузиш масаласини ҳаётнинг ўзи тақозо қилди. 1921 йил 22 майда Туркистон АССР ХКК декрети билан Маориф халқ комиссарлиги таркибида “Музей ишлари, қадимги ёдгорликлар, санъат ва табиатни муҳофаза этиш Туркистон қўмитаси (қисқача Турккомистарис)ни таъсис этиш ҳақида”ги низом тасдиқланди. Шу кундан эътиборан, Туркистон ўлкасидаги Тарихий ва маданий ёдгорликлар муҳофазаси ва Музей ишларига раҳбарлик қилувчи

<sup>16</sup> Культурно строительство в Туркестанской АССР.... – С. 417.

<sup>17</sup> Ўзбекистон Миллий архиви (Ўз МА) Р.394- фонд, 1-рўйхат, 29-иш, 146-варак.

<sup>18</sup> Ўз МА, Р.394-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 13-варак.

давлат тизими бошқаруви ҳукуқий жиҳатдан кучга кирди. 1923 йил 5 ноябрдаги ТАССР ХККнинг қарорига мувофиқ вилоятлардаги мавжуд 22 қадимий ёдгорликлар Турккомстарис ихтиёрига ўтказилди<sup>19</sup>.

Шундай қилиб, совет ҳукуматининг дастлабки йилларида маданий меросни асраш бўйича илмий муассалар, кутубхоналар, музейлар ташкил этиш, шунингдек, ёдгорликларни рўйхатга олиш, илмий ўрганиш, муҳофаза қилиш ва таъмирлаш борасида дастлабки қадамлар қўйилди.

Биринчи бобнинг **“Туркистон матбуотида миллий зиёлиларнинг маънавий меросни асрашга бўлган муносабати”** деб номланган иккинчи параграфида маҳаллий матбуотда миллий тараққийпарварларнинг маданий меросни ҳимоя қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлари таҳил қилинган. Большевикларнинг “пролеткульт” сиёсати оқибатида авж олган ўтмиш ва маданий меросга нигилизм нуқтаи-назаридан қараш, яъни ўтмишни тан олмаслик ҳолатлари ўз даврининг соғлом фикрловчи миллий зиёлиларини ҳам чуқур ташвишга солган эди. Аждодлар мероси, ўрта аср алломаларининг ижодига мурожаат этилган кўплаб илмий тадқиқий асарлари миллий матбуот саҳифаларида чоп этиб борилди.

1918 йилнинг охирида Абдурауф Фитрат етакчилигида бир қанча маслакдошлар билан бирга “Чиғатой гурунги” номли жамият таъсис этилди. Ушбу жамият “туркий тилни янгилаш, унинг сўзлик тизими ва бадиий адабиётини бойитиш учун бутун Туркистон бўйлаб эски ва янги туркий асар ва манбаларни жамлай бориш”ни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди<sup>20</sup>. “Чиғатой гурунги” туркий халқлар маданияти, санъати, адабиёти, тарихи, тили ва имлоси каби муҳим соҳаларни жиддий ўрганишга киришган. Фитратнинг “Тилимиз” мақоласида ушбу жамиятнинг дастурий йўналиши белгилаб берилган эди<sup>21</sup>. Ўз ўрнида шуни таъкидлаш керакки, “Чиғатой гурунги” вакиллари ўзларига Боту, Уйғур, Чингиз ва Темучин сингари туркий тахаллуслар қўйганлар.

Улар Алишер Навоийни Чиғатой адабиётининг улуғ асосчиси дея эътироф этган эдилар. “Чиғатой гурунги” жамияти аъзолари ҳатто Навоий расмини ишлатиб, нашр эттиргани ҳақидаги маълумот “Иштирокиюн” саҳифаларида берилган<sup>22</sup>. “Чиғатой гурунги” аъзолари ўз ғояларини ўша йилларда нашри йўлга қўйилган “Шарқ” ва “Маориф” газеталари ҳамда “Тонг” журнали орқали беришни бошлаганлар. Бироқ, ушбу нашрлар бир неча сонидан кейин чоп этилиши тўхтатилган<sup>23</sup>. Масалан, 1919 йилда “Тонг” журналининг 2-сонида Фитратнинг “Мирзо Бедил” номли мақоласи босилган. Ушбу мақолада буюк шоир ижоди ва дунёқараши моҳиятига илмий жиҳатдан

<sup>19</sup> ЎзМА, Р.394-фонд, 1-рўйхат, 123-иш, 7–8-варақлар.

<sup>20</sup> Чиғатой гурунги // Иштирокиюн. – 1919 йил 4 февраль.

<sup>21</sup> Абдурауф Фитрат. Тилимиз // Иштирокиюн. – 1919 йил 12 июнь.

<sup>22</sup> Абу Т. Навоий расми // Иштирокиюн. – 1919 йил 21 июнь.

<sup>23</sup> “Маориф” журнали – 1918 йил декабрда чиқарилган. 6 та сони чиқиб, 1919 йил апрелда фаолияти тўхтаган; “Шарқ” журнали – 1919 йил ноябрь ойидан бошлаб чиққан ва 1921 йил августда тўхтаган. “Тонг” журнали – 1920 йил 9 апрелда Абдурауф Фитрат ташаббуси билан чиққан. Учта сони чиқиши билан тўхтаган. Журнални нашр этишда Абдулхамид Чўлпон ҳам фаол қатнашган – диссертант.

ёндашилган. Мазкур мақоланинг асосида 1923 йилда Фитрат “Бедил (Бир мажлисда)” рисоласи Назир Тўрақулов сўзбошиси билан (“Дарвиш” имзоси остида) Москвада “Шарк” нашриётида араб ёзувида чоп қилинди<sup>24</sup>.

Шунингдек, миллий зиёлиларимиз тарих соҳасидаги ишларни манбашуносликдан бошлаганлар. 1922 йилда “Инқилоб” журнали саҳифаларида “Улуғ кишилар” рукни остида А. Саъдийнинг “Яссавий ким эди?”, “Имом Ғаззолий” сингари мақолалари чоп этилди<sup>25</sup>. Унинг Абу Наср Форобийга бағишланган мақоласи ҳам бугунги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган<sup>26</sup>. Чўлпоннинг 1924 йилда ёзилган “500 йил” мақоласида ўзбек зиёлилари ичида биринчи бўлиб Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейини ўтказиш масаласини ўзбек билим ҳайъати эътиборига кўндаланг қўяди<sup>27</sup>. Ғози Олим Юнус ўзбек уруғлари, ўзбек халқи адабиёти, хусусан, “Алпомиш” достони ҳақида сўз юритган “Ўзбекларда эл таниш иши” мақоласини нашр эттирган<sup>28</sup>.

XX аср 20-йиллари бошида миллий зиёлиларнинг маънавий мерос масалаларини тадқиқ этишда Чигатой даври билан боғлиқда ўрганиш устуворлик касб этган<sup>29</sup>. Мазкур асарларда ўзбек адабиётининг шаклланиш босқичлари, сиёсий-ижтимоий тузумнинг адабиётга таъсири, унинг илк бора қандай ном билан юритилгани, шоир ва ёзувчиларнинг муҳим асарлари тўғрисида фикр юритилади.

Умуман олганда, миллий зиёлиларнинг саъий-ҳаракатлари билан маънавиятимиз, адабиётимизнинг тарихий илдизлари узок ўтмишга бориб тақалаш ҳақидаги ғояларни халққа етказишга уринишлар бўлган. Халқни маънавий меросини асраб-авайлаш йўлида улар турли тадбирлар уюштирдилар, амалий ҳаракатлар қилдилар.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“XX асрнинг 20-йиллар иккинчи ярми – 30-йиллари Ўзбекистон матбуотида миллий маданий мерос мавзуси”** деб номланган. Мазкур бобнинг **“Миллий зиёлиларнинг тарих ва мумтоз адабиётга оид қарашлари”** деб аталган параграфида маҳаллий зиёлиларнинг ватанимиз тарихи ва мумтоз адабиётга доир қарашлари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. “Маориф ва ўқитувчи” саҳифаларида миллий зиёлиларнинг тарих, адабиётшунослик, элшунослик, қадимшунослик ва бошқа йўналишлардаги тадқиқотлари чоп этиб борилди. Шу ўринда, ўзбек халқининг шаклланиш тарихи масаласини кўтариб чиққан Миён Бузрук Солиҳовнинг “Ўзбек тарихига

<sup>24</sup> Мазкур асар 1996 йилда Ҳ. Болтабоев томонидан қайта нашр этилган. Абдурауф Фитрат. Бедил (Бир мажлисда) / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Болтабоев. – Тошкент, 1996; Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 6 жилдлик. – Тошкент, 2010.

<sup>25</sup> Саъдий А. Яссавий ким эди? // Инқилоб. – 1922. – №5. – Б. 35; Ўша муаллиф: Имом Ғаззолий // Инқилоб. – 1922. – №6.

<sup>26</sup> Саъдий А. Абу Наср бин Муҳаммад бин Тархон Форобий // Инқилоб. – 1924. – №11–12. – Б. 98–108.

<sup>27</sup> Абдулҳамид Чўлпон. Беш юз йил // Туркистон. – 1924 йил 23 сентябрь.

<sup>28</sup> Ғози Олим (Юнус). Ўзбекларда эл таниш иши // Туркистон. – 1922 йил 18 декабрь.

<sup>29</sup> Абдурауф Фитрат. Чигатой адабиёти // Инқилоб. – 1923. – №4; Саъдий А. Чигатой ва ўзбек адабиёти ҳам шоирлари // Инқилоб. – 1923. – №7–8. – Б. 53–56; – №9–10. – Б. 174–183.

доир тўрт муҳим китоб” мақоласи<sup>30</sup> ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмаганлигини таъкидлаш зарур. Унда “Меҳмонномаи Бухоро”, “Зафарнома”, “Фирдавс ул-икбол”, “Тарихи Фарғона” каби асарлар тавсифланади ва уларнинг мазмуни илмий баён этилади. А. Сатторийнинг “Шарқ мутафаккирларидан Будда”<sup>31</sup> номли мақоласи буддавийлик тўғрисида оммага бошланғич тушунчаларни берилганлиги билан аҳамиятлидар.

Мазкур даврга келиб Алишер Навоий ижодига муносабатда бир мунча илиқлик сезилган ва шоир ижодининг тадқиқ қилиш кучайган. Вадуд Маҳмуднинг “Навоий учун” мақоласида куйидагича фикр билдирилган: “Навоий турк тилини тиргизган ва “чиғатой адабиёти” деган бир адабий мактабнинг бу кунгача яшамоғига сабаб бўлган бир кишидир... Мана шу ҳолни назарга олиб, бу кун турк дунёсининг ҳар ерида: Туркияда, Озарбойжонда ва бизда уни эслаб беш юз йиллик тўйини ўтказмоқ истайдилар”<sup>32</sup>.

Умуман олганда, XX асрнинг 20-йиллари иккинчи ярмидан бошлаб миллий зиёлиларнинг тарих ва мумтоз адабиётга оид қарашлари ҳақида сўз борганда аввало Абдурауф Фитрат номини алоҳида таъкидлаш ўринли<sup>33</sup>. Фитрат улкан шарқшунос, тилшунос, мусикашунос, адабиёт билимдони эди. У араб, форс, мўғул, усмонли турк ва қадимги турк тилларини мукаммал билибгина қолмай, бу халқлар тарихини, маданиятини, адабиёт ва санъатни жуда чуқур ўрганган, ўрта асрлар ислом тарихи ва адабиётини мукаммал билган.

Диссертация иккинчи бобининг **“Халқ оғзаки ижоди ва миллий санъат масалалари”** деб номланган параграфиди миллий тараққийпарварларининг бу борада амалга оширган ишлари хусусида сўз боради. 20-йилларнинг бошларида Ғози Олим Юнусов Сирдарё ва Самарқанд вилоятларига, Элбек Тошкент вилоятига, Ғулом Зафарий Фарғона водийсига уюштирган экспедициялари давомида бевосита халқ ижодкорлари оғзидан ўзлари ёзиб олган фольклор асарларидан намуналарни ҳамда улар ҳақидаги дастлабки илмий-ахборий мақолаларини 1922–1923 йилларда ўша давр матбуотида эълон қила бошладилар<sup>34</sup>. Улар икки юзга яқин кўшиқ, юзга яқин лапар, икки мингдан ортиқ мақол ва маталлар, юздан ортиқ топишмоқ, бир неча ўнлаб эртақлар, халқ драмаси намуналари, болалар ўйинлари, уруғлар ҳақидаги ривоятлар ва бошқаларни тўплаб, ёзиб келишади.

<sup>30</sup> Миён Бузрук. Ўзбек тарихига доир тўрт муҳим китоб // Маориф ва ўқитувчи. – 1927. – №9–10. – Б. 57–61.

<sup>31</sup> Абдулмўмин Сатторий. Шарқ мутафаккирларидан – Будда // Маориф ва ўқитувчи. – 1925. – №5–6. – Б. 85–92.

<sup>32</sup> Маҳмуд В. Навоий учун // Ер юзи. – 1925. – №3.

<sup>33</sup> Абдурауф Фитрат. Навоийнинг форсий шоирлиги ҳам унинг форсий девони тўғрисида // Маориф ва ўқитувчи. – 1925. – №12. – Б. 38–41; Ўша муаллиф: Муқаддамат ул-адаб // Маориф ва ўқитувчи. – 1926. – №7–8. – Б. 76–78; Ўша муаллиф: Энг эски туркий адабиёт намуналари Самарқанд – Тошкент, 1927; Ўша муаллиф: Ўзбек адабиёти намуналари. – Самарқанд-Тошкент, 1929; Ўша муаллиф: Шарқ шахмати. – Самарқанд-Тошкент, 1928; Ўша муаллиф: Ўзбек классик мусикаси ва унинг тарихи. – Самарқанд-Тошкент, 1927; Ўша муаллиф: Форс шоири Умар Хайём. – Самарқанд-Тошкент, 1929 ва бошқ.

<sup>34</sup> Шокир Сулаймон, Раҳим Али. Янги дostonлар (Ўзбекни ўрганиш қўмитаси томонидан) “Алпомиш”, “Якка Аҳмад”, “Кун тувмиш” дostonлари ёзиб тугатилган // Қизил Ўзбекистон. – 1926. – 17 июнь. Яна қаранг: Мирзаев Т. Ҳоди Зариф суҳбатлари. – Тошкент, 2013. – Б. 219.

“Ер юзи” журнали саҳифаларида Шокиржон Раҳимий томонидан эълон қилинган мақолада: “Ўзбек мусиқаси бой, қозоқ, қирғизлардаги оқин-ўланчилар бор, Ғози Олим Самарқанд атрофида, Тошкентнинг Қонжигали кентиди, Фарғонанинг Шаҳрихон атрофида бахшиларни ўрганган ва уларнинг мероси, мусиқачиларнинг санъати барчасини тарихий бинолар ва китоблар қаторидаги миллатнинг нодир бойлигидир, улар шогирдлар тайёрлаши, куйларини нотага олиш керак”<sup>35</sup>, дейди. У: “Тошкентда Мулло Тўйчи, Шораҳим, Абдусоат, Бухорода Жалол ота, Ҳайдар кул, Мирзо Ғиёс, Домла Ҳалим, Самарқандда Ҳожи Абдулазиз, Хўжандда Содирхон, Фарғонада Юсуф қизиқ ва бошқаларнинг ҳар қайсиси ўзбекнинг ёниб турган чироқлари!” деб таъриф берган эди.

Ўзбек миллий мусиқа меросини асраб қолиш масаласини биринчилардан бўлиб илгари сурган Саййид Али Хўжаев 1921 йилда “Қизил байроқ” газетасида унинг “Санойи нафисамиз ўлди” сарлавҳали мақоласини эълон қилади. Унда ўзбек халқининг миллий санъат нақадар улкан ва қадимийлигига урғу берилиб, халқ амалий санъати, миллий кийимлари, миллий меъморчилиги, миллий мусиқа ва уларнинг ҳар бирини беназир ва бетакрор жиҳатларига тўхталади<sup>36</sup>. Муаллиф Дугоҳни чиройли “легенда”, яъни “афсона” деб баҳолайди.

Фитрат “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” китобида ўзбек мумтоз мусиқасига нисбатан илк маротаба “классик” атамасини қўллайди<sup>37</sup>. “Классик” тушунчаси инсоният бадиий меросининг тан олинган энг мукамал ва дунёвий аҳамиятга молик намуналарига нисбатан қўлланилар экан, бу ўринда Фитрат “бизнинг классик мусиқамиз “Шашмақом” исми билан юргизилган олти қатор куйлардан иборатдир”, дейди. Фитрат Шашмақомга куйидаги таърифни берган эди: “Шашмақом олти асосий мақом – Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ мақомлари бўлиб, ҳар бир мақом мушкилот (соддагина чолғу), наср (қўшиқ билан чолғу), уфор (тониш билан чолғу) лардан иборат учга бўлинган. Ҳар бир бўлим неча куйларга тақсим этилган. Ҳар бир куйни ёзғонда нотанинг бош томонидан шул куйнинг усули ҳам кўрсатиб борилган”<sup>38</sup>.

Фитрат ўзининг “Ўзбек мусиқаси тўғрисида” номли мақоласидаёзади: “Мусиқамизнинг катта камчиликларидан биттаси унинг тарқоқлигидир. Мусиқамизда бирлик йўқ. Бир куй Хивада бошқа, Бухорода бошқа, Фарғонада бошқа, Тошкентда бошқача чолинади. Ҳозирги техникумларимиз ҳам шул чизикдан чиқолмай юрадирлар. Буни йўқотиш учун мусиқа техникумларимиздан бошлаб ишга киришмоқ керак. Мусиқа техникумларига Маориф комиссарлиги тарафидан умумий проғром бериш, унга кирган куйларни нотага олиб (Ҳеч бўлмаганда Хоразм нотасига олиб!) тарқатиш ва

<sup>35</sup> Раҳим Ш. 30–35-йиллар мусиқа йўлида // Ер юзи. – 1926. – №10. – Б. 8–9.

<sup>36</sup> Саййид Али Хўжа. Санойи нафисамиз ўлди // “Қизил байроқ” газетаси. – 1921 йил 3 август.

<sup>37</sup> Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. – Самарқанд-Тошкент, 1927.

<sup>38</sup> Фитрат. Шашмақом// Маориф ва ўқитувчи. – 1925. – №2. – Б. 14.

дарсларни шул нотага мувофиқ суратда давом этишларини талаб қилиш лозим”<sup>39</sup>.

Афсуски, миллий зиёлиларнинг миллат равнақи йўлидаги ташаббуслари, халқнинг маънавиятини оширишга бўлган ҳаракатлари большевиклар ҳукумати томонидан кучли назоратга олинди, бу борада қилинаётган ишлар кучли танқид остига олинди. XX аср 20-йиллари охирида Ж. Бойбўлатовнинг “Ўзбек адабиётида чигатойчилик” номли катта мақоласи Фитратнинг “Ўзбек адабиёти намуналари” китоби муносабати билан ёзилган бўлиб, бошдан охиригача Фитратни “фош этиш”га қаратилган эди<sup>40</sup>. Чунончи, Фитрат “марксизмни инкор қилишда”, “ўтмишни идеаллаштиришда”, “буржуа миллатчилиги ғояларини ташвиқ этишда” айбланди. 1930 йилдан эса унга сиёсий айб қўйила бошланди. Ж. Бойбулатовнинг бошқа бир мақоласида Фитрат очикдан-очик “синфий душман” деб эълон қилинди, буни исботлашга киришиб кетган муаллиф “Ўзбек адабиёти намуналари”нинг чоп этилиши жиноятдир”<sup>41</sup>, деган хулоса чиқарди.

Ушбу йилларда маданий меросга бўлган салбий муносабатни К. Нугматовнинг мақоласида ҳам учратиш мумкин. Муаллиф: “Махтумкули, Зелили, Навоий асарлари бизнинг синфий душманларга ва маҳаллий зиёлиларнинг муайян қатламига, унинг бойлиги, чиройли тилини ўрганиш учун эмас, аксинча ўтмиш ижтимоий муносабатларининг мақташ ва тарғибот қилиш имконини бергани учун керак”<sup>42</sup>, – деб баҳолайди. К.Нугматов “Махтумкулини чоп эттириш мумкин, лекин ундан давр учун зарарсиз ғояларни олиш, умуман машҳур инсонларни меросларига эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак”, деса, Ж. Бойбулатов “Сўфи Оллоёр, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий ва бошқаларнинг мавҳум, сафсатавий ғоя, диний идеализм ва мистицизмнинг ёрқин вакиллари” сифатида баҳолайди. Айниқса, А. Фитратнинг Яссавий ижодига мурожаати кескин қаршиликка учради. К. Нугматов Фитратни “Яссавийни пролетар ёзувчилари қаторига қўшган”ликда айбласа, Ж.Бойбулатов “Фитрат-мистик”, “Фитрат-панисломчи”, “Чигатойизм-пантуркизм асосчиси”, “Маориф ва ўқитувчи” эса унинг органи” деб ёзади.

Маданий мерос масаласини инкор этиш сиёсати 1929 йилда араб ёзувини лотин графикасига ўтказиш жараёнида ҳам акс этди. Бу масалалар динга қарши кураш тадбирига ҳам бевосита боғланди. 20-йилларнинг иккинчи ярмидан матбуот саҳифаларида босилган мақолаларда араб ёзувининг аҳамияти бутунлай инкор этилди<sup>43</sup>. С. Диманштейннинг мақоласида: “...жуда оз аҳамиятсиз адабий мерос (кўпчилик қисми диний мазмунда)га

<sup>39</sup> Фитрат. Ўзбек муסיқаси тўғрисида // Аланга. – 1928. – № 2. – Б. 21.

<sup>40</sup> Байбулатов Дж. Узбекская литература и чагатаизм // За партию. – 1928. – №3–4; Ўша муаллиф: Ўзбек адабиётида чигатойчилик // Қизил Ўзбекистон. – 1929 йил 13, 14, 15 май.

<sup>41</sup> Бойбўлатов Ж. “Ўзбекларнинг адабий мероси” байроғи остидаги пантуркизм // Шарқ ҳақиқати. – 1930 йил. – №180, 182, 183.

<sup>42</sup> Нугматов К. Участок требующий к себе внимания // За партию. – 1928. – №7. – С. 65.

<sup>43</sup> Қамчинбек А. Бутуниттифокда янги алифбе // Аланга. – 1928. – №9. – Б. 10–14; Агамали Огли. Рубикон перейден // Культура и письменность Востока. – 1928. Кн.3. – С. 3–6; Папава М. За новый тюркский алфавит // Просвещение национальностей. – 1930. – №9. – С. 68–72; Диманштейн С. 10 лет национальной политики партии и Советской власти // Новый Восток. – 1927. – №19. – С. 12–16.

ва кам сонли саводлиларга эга бўлган кўпчилик шарқ халқлари алифбонинг ўзгаришидан ютиб чиқадилар”<sup>44</sup>, деган мулоҳазалар ҳам билдирилган эди.

XX аср 30-йиллари охирига келиб, маданий меросга бўлган расмий муносабатга И. Штерннинг мақоласи яхши мисол бўла олади<sup>45</sup>. Мазкур муаллиф Октябрь инқилобига бўлган зиёлиларни инкор этади ва марксизм ғояларини ўзлаштирганларни зиёлилар сирасига киритади.

Шундай қилиб, XX асрнинг 20–30-йилларида партия ва ҳукумат нафақат иқтисодиётда, ижтимоий соҳада, балки маданият, бадиий адабиёт ҳамда санъат соҳаларида ҳам ягона сиёсатни, мафкурани барча миллий республикаларда ўтказишни яна кучайтирди. Айнан шу каби тадбирлар туфайли кейинги ўн йилликларда маданиятда, айниқса, тарихий ва бадиий адабиётда, санъатда миллийлик ҳамда анъанавийликнинг таъсири сезиларли даражада пасайди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ўзбекистонда XX аср 20-30-йилларида тарихий ёдгорликларни ҳимоя қилиш бўйича тадбирлар: мураккабликлар ва зиддиятлар”** деб номланган. Ушбу бобнинг **“Тарихий ёдгорликларни муҳофаза этиш ва ўрганишнинг ташкилий жиҳатлари”** номли параграфида Туркистон ўлкасидаги мавжуд тарихий-маданий ёдгорликларни муҳофаза этиш бўйича амалга оширилган ташкилий жараёнлар ҳамда саъй-харакатлар ёритиб берилган.

Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши ўтказилиши муносабати билан алоҳида республикалар кўмиталари ташкил топгунга қадар Ўзбекистон ҳудудида бадиий-тарихий ва археологик ёдгорликларни муҳофаза қилиш солаш ва таъмирлаш ишлар Средазкомстарис зиммасига ўтказилган эди. Шунга кўра, Ўзбекистон ССР МИҚ ва ХКК 1925 йил 4 майда 26 рақамли қарори қабул қилинди<sup>46</sup>. Мазкур кўмита ўзи фаолиятини ташкил этилган Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари ҳудудида олиб борди. Янги ташкил этилган Средазкомтарис ўзидан аввалги Турккомстарис каби қадимги ёдгорликлар санъат ва табиатни сақлаш муҳофаза қилиш ва ўрганиш музей ишларига раҳбарлик қилиш ва уни ривожлантириш илмий экспедицияларни ташкил қилиш каби вазифаларни ўзининг асосий вазифаси қилиб қўйди<sup>47</sup>.

Қадимги мусулмон меъморий ёдгорликларини муҳофаза қилиш, таъмирлаш ишлари ҳам Средазкомстариснинг диққат маркази бўлди. 1926 йил давомида кўмита томонидан Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги ёдгорликларни фотосуратларга олиш ишлари профессор А. А. Семёнов томонидан амалга оширилди. Кўмита топшириғига биноан, Б. А. Шишкин Тошкент яқинидаги Зангиота мазоридида текшириш ишларини бажарди<sup>48</sup>.

1927 йилда қадимий ёдгорликларни текшириш улар ҳолатини ўрганиш мақсадида Средазкомстарис 6 та экспедицияни ташкил этди. Масалан,

<sup>44</sup> Диманштейн С. 10 лет национальной политики партии ... – С. 16.

<sup>45</sup> Штерн И. Социалистическая культура узбекского народа. – Ташкент, 1938.

<sup>46</sup> Известия Средазкомстариса. – Ташкент, 1926. – Вып. 298.

<sup>47</sup> Ўз МА, Р.394-фонд, 3-рўйхат, 37-иш, 56-варақ.

<sup>48</sup> Ўз МА, Р.394-фонд, 1-рўйхат, 143-иш, 56-варақ.

24 апрелдан 6 майгача археолог М. Э. Массон Фарғона водийсига сафар уюштириб, қадимий Ўзган қишлоғидаги осори-атикаларни ўрганди. Шу билан бирга Фарғона музейининг аҳволи археологик ва нумизматик буюмлари билан яқиндан танишди. М. Э. Массоннинг таъкидлашича, турли жойларда жами 145 та бутун ва 2 та синган тангалар йиғилган<sup>49</sup>. 1927 йил 27 июндан 2 июлгача М. Э. Массон Бухоро шаҳрига илмий сафар қилиб, Аркнинг батафсил тафсилотини ўрганиб чиқди, Шаҳристоннинг майдонини аниқлади<sup>50</sup>. 1927 йилда Самарқандда Тиллақори мадрасасида оз ҳажмда тузатиш ишлари олиб борилди. Қадимги кулолчилик ва уни тайёрлаш пишириш сирларини ўрганиш мақсадида тажрибалар олишига киришилди<sup>51</sup>. Қўмита томонидан Хива шаҳрида ҳам ёдгорликларни муҳофаза қилиш борасида баъзи ишлар амалга оширилди<sup>52</sup>.

Шу ўринда 1926–1928 йилларда уч марта чоп этилган «Известия Среднеазиатского Комитета по делам музеев и охраны памятников старины искусства и природы» (қисқача – Известия Средазкомстариса)ни алоҳида қайд этиш жоиз. А. М. Мирон, Д. И. Нечкин ва И. И. Умняковларнинг мақолаларида Турккомстариснинг ташкил этилиши, фаолияти, тарихи, музейи, қурилиш соҳасидаги ишлари Ўрта Осиё меъморий ёдгорликлари аҳволи уларнинг сақлаш ва ўрганиш борасидаги вазифаларга бағишланган<sup>53</sup>. 1927 йил 6 октябрда Ўзбекистон ССР МИҚ ва ХКК Ўзбекистон Республикаси худудидаги қадимги ёдгорликларни Средазкомстарис ихтиёрига ўтказиш ҳақида янги қарорни қабул қилди. Қарорга мувофиқ, Самарқанд шаҳрида Бухоро округидан 18 та, Сурхондарё округидан 8 та, Қашқадарё округидан 4 та, Зарафшон округидан 2 та, жами 33 та ёдгорлик қўмита ихтиёрига ўтказилган эди. 1927 йилнинг охирига келиб Средазкомстарис тасарруфига ўтказилган тарихий ва меъморий ёдгорликлар сони 105 тага етган эди<sup>54</sup>.

Ўзбекистон Ўзбекистон ССР маориф халқ комиссарлигининг 1928 йил 28 мартдаги қарорига асосан Самарқанд шаҳрида “Музей ишлари, ўтмиш, санъат ва табиат ёдгорликларини муҳофаза қилиш Ўзбекистон Қўмитаси” – Ўзкомстарис ташкил этилди. Қарорга биноан, Ўзбекистон ССР маориф халқ комиссарлиги ихтиёрига 86 ёдгорлик бинолари берилди. Буларнинг 36 таси Бухоро округи бўйича, 27 таси Самарқанд округи бўйича, 7 таси Ташкент округи бўйича, 7 таси Қашқадарё округи бўйича, 3 таси Фарғона

<sup>49</sup> Ўз МА, Р.394-фонд, 1-рўйхат 266-иш, 123–124 варақлар.

<sup>50</sup> Ўз МА, Р.394 фонд, 1-рўйхат, 214- иш, 37-варақ.

<sup>51</sup> Ўз МА, Р.394 фонд, 1-рўйхат, 143-иш, 30-варақ.

<sup>52</sup> Ўз МА, Р.394 фонд, 1-рўйхат, 131-иш, 131-варақ.

<sup>53</sup> Миронов А. А. Организационная, научная и практическая деятельность Средазкомстариса (бывш. Турккомстариса) за пятилетие его существования // Известия Средазкомстариса. Вып. I. – Ташкент, 1926. – С. 18–42; Нечкин Д. И. Задачи и ближайшие цели Комитета по делам музеев, охраны памятников страны, искусства и природы в Средней Азии // Известия Средазкомстариса. – Вып. I. – Ташкент, 1926. – С. 4–16; Умняков И. И. Охрана памятников страны и искусства в советском Законодательстве Средней Азии // Известия Средазкомстариса. – Вып. I. – Ташкент, 1926. – С. 45–54; Ўша муаллиф: Архитектурные памятники Средней Азии: Исследование. Ремонт. Реставрация. 1920–1928 гг. – Ташкент, 1929.

<sup>54</sup> Умняков И. И. Археологическая и ремонтно реставрационная работа Средазкомстариса в 1927 г. // Известия Средазкомстариса. – Вып. 3. – Ташкент, 1928. – С. 265–275.

округи бўйича, 3 таси Зарафшон округи бўйича, 3 таси Сурхондарё округи бўйича эди<sup>55</sup>.

Шундай қилиб, XX аср 20-йиллари иккинчи ярмида Ўзбекистонда маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш, уларни ўрганиш иши анча жонланди. Умуман олганда, юртимиз қадимий тарихини ўрганиш борасида археологик тадқиқотлар олиб бориш ва моддий маданият бойликларимизни сақлаш муҳофаза қилиш таъмирлаш ўрганиш ва тарғиб қилиш борасида, Средазстарис, кейинчалик Ўзкомстарис фаолияти алоҳида ўринга эга бўлди. Бироқ, 30-йиллар иккинчи ярмидан бошлаб меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ва сақлаш олдинги йилларга нисбатан бирмунча яхшиланишига қарамасдан, режалаштирилган иш кўламига нисбатан ажратилган маблағ кам бўлиб қолаверди.

Учинчи бобнинг “**Ўзбекистонда тарихий-маданий ёдгорликлар ҳолати: миллий зиёлилар ёндашуви**” деб номланган иккинчи параграфида тарихий-маданий ёдгорликларни аниқлаш ва реставрация ишларида нафақат рус олимлари, балки улар билан бир қаторда миллий зиёлиларнинг фаол иштирок этганликлари, матбуотдаги чиқишлари ҳақида сўз боради. Средазстарис, кейинчалик Ўзкомстарис томонидан уюштирилган илмий экспедициялар таркибида бўлган миллатпарварлар ўлкада мавжуд тарихий ёдгорликларни қурилиш тарихи ва ҳолатини чуқур ўрганиш бўйича катта ишларни амалга оширдилар. Улар ўз кузатувларини ҳисобот сифатидаги мақолалар шаклида Халқ маорифи комиссарлигига қарашли бўлган “Маориф ва ўқитувчи” журналида чоп этдилар. Айниқса, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз шаҳарлари тарихий топографияси ва меъморий обидалар тарихини ўрганиш катта аҳамият касб этарди.

Мавзуга қўл урган муаллифлардан бири Абдумўмин Сатторий эди. Ёш олим илмий меросида Самарқанд шаҳри тарихи, унинг тарихий топографияси, меъморий обидалари, муқаддас қадамжолари, уламолари тарихи етакчи ўринни эгаллайди. Қўйилган масалага у маҳаллий ўлкашунос нуқтаи-назари билан ёндашади. Унинг “Кўктош” мақоласида буни кузатиш мумкин<sup>56</sup>. Ўлкашунос А. Сатторийни осори-атиқаларнинг сақланиш ҳолати бефарқ қолдирмаган. Самарқанднинг эски ва янги шаҳар қисми ўртасида воқе бўлган улкан Кўктошнинг сақланиш ҳолатига, унинг ташландиқ аҳволда етганлигига нисбатан муаллиф эътирозли ва танқидий фикрларни билдиради.

“Маориф ва ўқитувчи” журналида Садриддин Айнийнинг меъморий обидаларни ўрганишга қаратилган бир қанча мақолалари босилган<sup>57</sup>. Ушбу

<sup>55</sup> ЎзМА, Р.2296-фонд, 1-рўйхат, 17-19-варақлар.

<sup>56</sup> Сатторий А. Самарқандда осори атиқа. Кўктош // Маориф ва ўқитувчи. – 1925. – №5–6. – Б. 115.

<sup>57</sup> Айний С. Мир Араб иморатлари // Маориф ва ўқитувчи. – 1927. – №5. – Б. 35-39; Ўша муаллиф: Тарихий тасхех // Маориф ва ўқитувчи. – 1927. – №1–2. – Б. 37; Ўша муаллиф: Тарихи эзох // Маориф ва ўқитувчи. – 1927. – №7-8. – Б. 30–32; Ўша муаллиф: Самарқанд шаҳри // Маориф ва ўқитувчи. – 1928. – №10. – Б. 48–50; Ўша муаллиф: Эски осорилар. Чилустун, Чиннихона, Кўксарой ва Кўктош // Маориф ва ўқитувчи. – 1926. – №7-8. – Б. 28–29; Ўша муаллиф: Қутби чоҳардахумнинг кўриниши // Маориф ва ўқитувчи. – 1926. – №5. – Б. 31–32; Ўша муаллиф: Сув оқар ёки жилвондўр // Маориф ва ўқитувчи. – 1927. – №1–2. – Б. 32–33.

мақолаларда тарихнинг турли даврларида, асосан Амир Темур ва темурийлар даврида бунёд этилган меъморий обидалар, мақбаралар кабиларга тасниф ва таъриф берилади. Барпо этилган меъморий обидаларни хароба ҳолга тушиб қолганлиги ҳақида гапирар экан, уларни таъмирлаш ободончилик ишларининг энг муҳим вазифаси бўлмоғи кераклигига даъват этилган.

С. Айнийнинг “Самарқанд шаҳри” номли салмоқли мақоласи диққатга сазовор<sup>58</sup>. Унда милоддан аввалги IV аср, яъни Искандар Зулқарнайн истилоси даврида ушбу шаҳар Сўғдиёна давлатининг пойтахти бўлганлиги, Мароқанд деб аталганлиги, “Девориқиёмат” ва “Девори кўндаланг” кабилар билан ўралганлигини ҳикоя қилинади.

Шу ўринда Шокиржон Раҳимий қаламига мансуб “Ўзганда бўлган тарихий асарларни текшириш” мақоласини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур<sup>59</sup>. Муаллиф тарихий асарлар атамаси остида нафақат кўлёзма асарлар, балки меъморий обидаларни ҳам назарда тутган. Унда ўлкадаги моддий-маънавий меросларнинг ҳолатини, ўрганиш зарурияти масалалари кўтарилди. “Маориф ва ўқитувчи” журналида мазкур мақола фотосуратлар билан бойитилган ҳолда нашр этилган. Ҳисобот тариқасида ёзилган ушбу асарда Қорахонийлар даврида пойтахт бўлган Ўзганнинг тарихий-географик жойлашуви, у ерда қурилган иншоотлар, айниқса, мўғуллар босқинигақадар қад кўтарган XI–XII асрларга тегишли минора, унинг атрофидагикичик мақбаралар (мақолада улар турба деб берилади – диссертант), Ўзган тарихига доир манбалар, ҳужжатлар ҳақида маълумотлар берилдики, улар бугунги кун тадқиқотчилари учун ҳам илмий қийматга эгадир.

XX аср 20-йилларида Бухоро шаҳрининг ўрта асрлардаги тарихий топографиясини ўрганиш тарих фани олдидаги муҳим масалалардан бирига айланган эди. Бу борада Мусо Саиджоновнинг “Бухоро шаҳри ва эски бинолари” номли илмий мақоласи Бухоро шаҳридаги кўхна ёдгорликларни ёритган бўлиб, унда асосан, Бухородаги тарихий жойлар, Арк, Шаҳристон, Регистон ва унда Аштархонийлар даври бинолари ва Сомонийлар даври иншоотлари каби тарихий ёдгорликлар тадқиқ этилган. Олимнинг ушбу мақоласи Бухоронинг ўрта асрлардаги топографияси, шаҳардаги баъзи обидалар тарихини ўрганиш бўйича қимматли маълумотлар беради<sup>60</sup>.

Миллий зиёлиларнинг ўлка тарихи, этнографияси, топографияси, осори-атикалари тарихини ўрганиш, уларни келажак авлодга етказишни ўз мақсадларига айлантirdилар. Уларнинг ушбу масаладаги илмий тадқиқотлари миллий тарихий ўлкашуносликнинг вужудга келиши ва шаклланишида катта аҳамиятга эга бўлган.

XX аср 20-йиллари охири – 30-йилларида совет ҳокимиятининг атеистик кураши натижасида Ўзбекистондаги бир неча меъморий обидалар диний нуқтаи-назардан баҳоланиб, атайлаб қаровсиз ҳолга ташлаб қўйилди. Ушбу обидаларнинг тарихий аҳамияти ва қадри туширилиб, улар омборхоналар,

<sup>58</sup> Айний С. Самарқанд шаҳри // Маориф ва ўқитувчи. – 1928. – №10. – Б. 47–50.

<sup>59</sup> Раҳимий Ш. Ўзганда бўлган тарихий асарларни текшириш // Маориф ва ўқитувчи. – 1927. – №1. – Б. 113–114.

<sup>60</sup> Саиджонов М. Бухоро шаҳри ва эски бинолари // Маориф ва ўқитувчи. – 1927. – №9–10. – Б. 58.

касалхоналар, савдо дўконлари, ҳатто автомобиллар сақлайдиган жой сифатида фойдаланилди. Оқибатда бирқанча меъморий обидалар вайрон бўлди ёки умуман йўқ бўлиб кетди.

Большевикларнинг юритган зўравонлик сиёсати, айниқса, маданий меросга бўлган беписандлик муносабатига қарамай, маърифатпарвар зиёлилар, олимлар тарихий-маданий меросни сақлаш ва ўрганиш ишларида ташаббускор бўлдилар.

## ХУЛОСА

**“XX асрнинг 20–30-йиллари Ўзбекистонда маданий мерос масалалари (давр матбуоти материаллари мисолида)”** мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Маданий мерос – бу ўтмишдан қолган қадриятлар, ғоялар, тажриба, билимлар мажмуаси бўлиб, уни ўзлаштириш жараёни ўта муҳим саналади, жамиятнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини бир бутун ҳолда бирлаштириб, кишиларнинг савиясини кенгайтиради, билимнинг туганмас манбаи бўлиб хизмат қилади. Маданий мерос серқирра ва кўп қиёфали бўлиб, уни асраб-авайлаб, келгуси авлодларга қолдириш маданиятнинг меъёрий ривожланишида асосий омиллардан ҳисобланади. Бироқ, ушбу жараён оддий ва бир хилда кечмайди. Бу узлуксиз ҳаракатда бўлса-да, ҳаёт меъёрлари, давр воқеликлари таъсирида маънавий қадриятларнинг мундарижаси ўзгариб боради. Уларнинг ўзаро боғлиқлик усуллари ва муносабатлари хилма-хиллигини аниқлаш, билимларни асраш ва узатишда тенденцияларни кўриб чиқиш ва баҳолаш ғоятда муҳим.

2. XX асрнинг 20–30-йилларида ҳозирги Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Бу йилларда тоталитар совет тузуми томонидан ўйлаб топилган “маданий инқилоб” дастурига кўра, маданият соҳаси бутунлай ҳукмрон мафкура назорати ва таъйиқи остида олиб борилди. Табиийки, 1920–1930- йилларда маданий меросни ўрганиш йўналишидаги жараёнларга, олиб борилган тадқиқотларга айнан шу нуқтаи-назар татбиқ этилган.

3. XX асрнинг 20–30-йиллари Ўзбекистон моддий маданият тарихини ўрганишда алоҳида босқич бўлди. 1921 йилда Туркистон Халқ Маорифи комиссарлиги ҳузурида ташкил этилган санъат ва табиат, қадимий ёдгорликларини асраш ва музей ишлари бўйича қўмита (Туркомстарис), 1925 йил миллий давлат чегараланишида сўнг Средазкомстарис (Ўрта Осиё худуди бўйича), 1928 йилда Узкомстарис (Ўзбекистон бўйича) фаолияти бу борада алоҳида ўринга эга эди. Комиссия воҳа ёдгорликларини ҳисобга олиш муҳофаза қилиш ва таъмирлашни ўзининг бош мақсади қилиб олди. Мазкур ташкилот саъй-ҳаракати туфайли Ўрта Осиёнинг моддий ва маданий ёдгорликларни асраш, уларнинг тарихини ўрганиш, музей ишларини ташкиллаштириш бўйича қатор ишлар амалга оширилди.

4. Миллий зиёлиларимиз миллатнинг тарихий ўтмиши унинг моддий ва маънавий ёдгорликлари орқали келгуси авлодга етиб боришини тўғри англаганлар. Ташкиллаштирилган илмий экспедициялар таркибида бўлган миллатпарварлар ўлкада мавжуд тарихий ёдгорликларни қурилиш тарихи ва ҳолатини, қўлёзма асарларни ўрганиш бўйича катта ишларни амалга оширдилар. Улар ўз кузатувларини, ишланмаларини ҳисобот сифатидаги мақолалар шаклида чоп этдилар. Бу борада миллий матбуотнинг хизматини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Чунки улар миллат манфаатини ҳимоя қилувчи, жамият тараққиёти учун жон қуйдирган зиёлиларнинг халққа муурожаат қилувчи минбарига айланган эди.

5. Давр матбуотида маданий мерос мавзуси мунозара ва баҳсларга сабаб бўлганлиги, турли илмий тадқиқотлар, нодир-илмий бадиий асарлар, тарихий обидалар ҳақида қизиқарли фактлар берилганлиги билан аҳамиятлидир. Ўша даврнинг энг кўзга кўринган миллий зиёлилари ўз мақолаларида миллат тарихи, моддий-маданий меросини сақлаш ва ҳимоя этиш муаммоларини ўз даврининг долзарб масалалари сифатида кўтарганлар, уларни бугунги кун нуқтаи назаридан таҳлил қилиш ғоятда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

6. Миллий зиёлилар Ўзбекистон тарихини ўрганишга хизмат қиладиган хорижда ва юртимиз кутубхоналарида сақланаётган қўлёзма манбаларни илмий мерос сифатида, уларнинг аҳамияти, айниқса, моддий – маданият тарихи, меъморий обидалар ва уларни асраб авайлаб келажак авлодга етказиш муаммосини долзарб мавзулар сифатида талқин қилганлар.

7. Бу даврда яратилган тадқиқотларда ўлка тарихи, этнографияси, топографияси, осори-атиқалари тарихини кенг ўрганилган бўлиб, улар тарихий билимлар ривожига хизмат қилди, ўлкашунослик соҳасини шакллантирилишига тўртки берди.

8. XX асрнинг 20-йилларнинг охири – 30-йилларга келиб, тоталитар тузум зўрайган сари маданий-маънавий ҳаётнинг барча соҳасини ўз таъсирига ола бошлади ва бунда миллий маданиятни тарғиб қилувчи ҳаракат намоёндаларига “миллатчи”, “шовинист”, “пантуркист” каби айбловлар қўйилди. Бундай ёндашув тарихий-маданий меросга бўлган муносабатда ҳам яққол ўз аксини топди. Ўтмиш маданиятига нисбатан лоқайдлик, ғаразлилик, беҳурматлик кайфияти билан суғорилган ғоялар илгари сурилди. Бу жараён маҳаллий зиёлилар вакиллари қатағон қилиш, халқнинг анъанавий диний ва миллий қадриятларини йўқ қилиш сиёсати билан бирга олиб борилди.

9. Совет давлатининг 30-йиллардаги қатағон сиёсати маданий меросни ўрганганларни ҳам ўз домига тортди. СССР таркибидаги миллий совет социалистик республикалари “камситилмаслиги” учун камсонли классик ижодкорларга эга бўлишга руҳсат берилди, аммо талқинда ҳукмрон мафкура методологияси асосида бўлиши шартлиги белгиланди.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги **таклиф ва тавсияларни** бериш мақсадга мувофиқ:

1. Маданий мерос масалаларини ўз саҳифаларида ёритган 1920-1930 йиллардаги газета ва журналлар библиографиясини нашр эттириш, энг сара мақолаларини тўплаб, тўплам тайёрлаш ва чоп этиш лозим.

2. Наманган давлат университети тузилмасидаги “Шаҳидлар хотираси музейи”да “Маданий меросимизни асраган фидойилар” номли экспозиция ташкил этиш ва шу номда телевидение учун туркум кўрсатувлар тайёрлаш.

3. “Ўзбекистонда маданий меросни асраш: тарих ва талқинлар” мавзусида туркум илмий анжуманни йўлга қўйиш ва илмий тўплам нашр этишни йўлга қўйиш. Бу Ўзбекистон тарихининг саҳифаларини тўлдиришга, бойитишга хизмат қилган бўлар эди.

4. XX аср 20–30-йилларида Ўзбекистонда тарих фани ва унинг миллий матбуотдаги талқини йўналишида йирик монография яратиш ҳам илмий аҳамиятга молик бўлар эди.

5. Миллий матбуотда Ўзбекистонда тарих илми ва фанига қаратилган веб-сайт яратиш орқали илмий ҳамда кенг жамоатчиликни мазкур долзарб мавзудан хабардор қилиш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD 03/27.02.2021. Tar.70.05  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
КАРШИНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**МАХМУДОВ МАНСУРЖОН АБДУГОППОРОВИЧ**

**ВОПРОСЫ КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ  
В 20–30-Е ГОДЫ XX ВЕКА  
(по материалам периодической печати)**

**07.00.01 – История Узбекистана**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD) по ИСТОРИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Карши – 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В.2018.4.PhD/Tag.396.

Диссертация выполнена в Наманганском государственном университете.  
Автореферат диссертации на трех языках (русском, узбекском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.qarshida.uz](http://www.qarshida.uz)) и Информационно-образовательном портале Ziyonet ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

Научный руководитель:	Мустафаева Нодира Абдуллаевна доктор исторических наук (DSc), профессор
Официальные оппоненты:	Эргашева Юлдуз Адимовна доктор исторических наук, профессор Хушвақов Наби Олимович кандидат исторических наук
Ведущая организация:	Ферганский государственный университет

Защита диссертации состоится «25» 02 2022 г. в 10 часов на заседании Научного совета PhD 03/27.02.2021.Tag.70.05 по присуждению ученых степеней доктора философии (PhD) при Каршинском государственном университете (Адрес: 180103, город Карши, улица Кучабог, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0 375) 221-00-56; e-mail: qarshida@umail.uz), Каршинского государственного университета.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского государственного университета (зарегистрирована за № 22). (Адрес: 180103, город Карши, улица Кучабог, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0 375) 221-00-56; e-mail: qarshida@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан «14» 02 2022 года  
(реестр протокола рассылки № 9 от «14» 02 2022 года).



**Б.Ж.Эшон**  
Председатель Научного совета  
по присуждению ученых  
степеней, д.и.н., профессор

**П.П.Ражабова**  
Ученый секретарь Научного совета  
по присуждению ученых  
степеней, к.и.н., доц.

**Ю.А.Эргашева**  
Председатель Научного семинара  
при Научном совете по  
присуждению ученых степеней  
доктора наук, д.и.н.



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность диссертации.** Для того, чтобы найти свое достойное место в процессе кардинальных изменений, происходящих в мировом сообществе, следует изучать историю национальной государственности, а также определить стратегию её развития на перспективу. Интеграционные процессы и международное сотрудничество также могут стать причиной изменений в мышлении людей. Важное значение сегодня имеет объективное и комплексное изучение духовности общества и одной из его составляющих – процесса освоения культурного наследия. Особое место здесь занимает периодическая печать, которая, будучи одним из воздействующих на общество средств в какой-то степени формирует его мировоззрение, а также активно участвует в процессе внедрения определенных взглядов в сознание масс. Критически-аналитические материалы, публикуемые в периодической печати, одновременно с освещением существующих в определенный период проблем, создают для общества почву для принятия правильных решений по направлениям социально-экономического и культурного развития.

В крупных научно-исследовательских центрах, а также высших учебных заведениях мира широко исследуются суть и результаты политики «культурного развития», осуществленной советским тоталитарным режимом в Узбекистане и других союзных республиках. В частности, изучаются вопросы отношения к культурному наследию, исходя из политики, осуществляемой в 20-30-е годы XX в., в том числе последствия изменений, противоречащих национальным традициям и образу жизни населения Узбекистана. Кроме того, изучение этих процессов по материалам прессы, наряду с официальными документами, является одной из актуальных задач.

В годы независимости многое делается для возвращения народу его духовных и культурных богатств. Восстановление национальных традиций, сохранение историко-культурного наследия и глубокое изучение истории стали сегодня задачами, имеющими научное и социальное значение. В научной литературе эти проблемы начали получать объективную оценку. Рост объема исследований в этом направлении значительно расширил источниковую базу изысканий по восстановлению национальной культуры, а также сохранению материального и нематериального наследия. С этой точки зрения осуществление научного анализа материалов периодической печати, опубликованных в Узбекистане в 20–30-е годы XX столетия, выявление значения газет и журналов как источников и введение их на этой основе в научный оборот, определяют актуальность данной диссертации.

Экономические, социальные и культурно-духовные реформы, осуществляемые в Республике, стали основным фактором восстановления и популяризации, а также всестороннего развития национальных ценностей. Данное исследование служит решению задач, обозначенных в Указе №УП-4947 Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г., Указе Президента РУз №УП-6199 «О мерах по дальнейшему совершенствованию

системы государственного управления в сферах туризма, спорта и культурного наследия» от 6 апреля 2021 г., Постановлении Президента РУз №ПП-4390 «О мерах по созданию телеканала “O‘zbekiston tarixi”» от 11 июля 2019 г., Постановлении Президента РУз №ПП-5150 «О мерах по организации деятельности агентства культурного наследия при Министерстве туризма и спорта Республики Узбекистан, а также инновационному развитию сферы» от 19 июня 2021 г., и других нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей и пути их осуществления в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном развитии информационного общества и демократического государства».

**Степень изученности проблемы.** Работы, в определенной степени отражающие тему исследования, целесообразно рассматривать разделив их на три группы: 1) научно-практические изыскания советского периода; 2) работы, опубликованные в период независимости; 3) изучение проблемы зарубежными учеными.

Следует отметить, что литература советского периода, содержащая сведения об исторических событиях исследуемого периода и рассматриваемой проблеме, выделяется своей многогранностью в подходах. Однако, процесс укрепления советской власти, особенно внедрение в научную сферу марксистско-ленинской доктрины в качестве единственного критерия привели к фальсифицированным оценкам исторических событий. Несмотря на это, эти работы послужили научной основой для освещения темы. В советский период был создан ряд работ по изучению истории периодической печати Узбекистана<sup>1</sup>. Несмотря на то, что они были написаны исходя из партийных установок и на основе классового подхода, эти исследования привлекают к себе внимание наличием богатого фактического материала, связанного с деятельностью туркестанской интеллигенции в газетах и журналах.

Важное значение имеют труды А. А. Миронова, Д. И. Нечкина, И. И. Умнякова, Б. Н. Засыпкина, Я. Г. Гулямова и Х. Ахунова, посвященные сохранению и изучению культурных памятников во второй половине 20-х – 30-е гг. XX века<sup>2</sup>. Также, следует отметить работы научного и публицистического

---

<sup>1</sup> Зиё Саид. Танланган асарлар. – Тошкент: Фафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1974; Симонов Н.Ф. Туркистонда большевик матбуот (1917-1922 йй.). – Тошкент, 1941; Абдуазизова Н.А. Печать и строительства социализма (на примере журнальной периодике Узбекистана. – Ташкент: Ўзбекистон, 1977; Эрназаров Т. Туркистонда вақтли матбуот. – Тошкент: ЎзДавнашр, 1959; Тот же автор: История печати Туркестана 1870–1925 гг. (Учебное пособие). – Ташкент: Ўқитувчи, 1976.

